



« 05 » апрел 2018 й.

Наманган шаҳри 244

-сонли

Наманган вилояти ҳокими ва унинг ўринбосарлари ўртасидаги иш тақсмотини тасдиқлаш тўғрисида

Вилоятда халқ хўжалигини бошқариш ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларга раҳбарлик қилиш, тармоқлар бўйича ислоҳотларни изчил амалга ошириш, бошқарув тизими фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда бошқарув аппарати барча бўғинларининг ташкилотчилик, ижро ва назорат фаолиятини кучайтириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Хукумат қарорларининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25 моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3407-сон қарорига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари ўртасидаги иш тақсмоти иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ижрони ташкил этиш билан шахсан шуғулланишлари, ўзлари раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинмаларда, тасарруфларидаги бошқарма, корхона ва муассасаларда ислоҳотларни амалга оширишлари, тармоқдаги аҳволни мунтазам равишда таҳлил этиб боришлари ҳамда тармоқдаги камчиликларни тугатиш бўйича аниқ чоралар кўришлари белгилаб қўйилсин.
3. Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ, котибиятлари ва бўлимлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган иш режаси асосида фаолият юритсинлар.
4. Вилоят ҳокимининг 2017 йил 25 апрелдаги 246-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Мазкур қарор шаҳар ва туманлар ҳокимликларига раҳбарлик ва хизматда фойдаланиш учун юборилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

Наманган вилояти ҳокимининг

2018 йил 5 апрелдаги
244-сон қарорига
илова

Вилоят ҳокими ва унинг соҳалар бўйича ўринбосарларининг функционал вазифаларни

ТАҚСИМОТИ

I. Умумий қондалар

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3407-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокими ва унинг соҳалар бўйича ўринбосарларининг функционал вазифалари белгиланади.

Вилоят ҳокими вилоятнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айти бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Вилоят ҳокими ўз ваколатларини яққабончилик асосларида амалга оширади ва ўзи раҳбарлик қилаётган органнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардир.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ иш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, унинг ўринбосарлари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига асосан вилоят ҳокимлиги ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

II. Вилоят ҳокими ва унинг соҳалар бўйича ўринбосарларнинг вазифалари

**Наманган вилояти ҳокими - Бозаров Хайрулло
Хайитбаевич**

1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоятни бошқаришга жалб этишни таъминлайди;

Қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли худуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

аҳолини қабул қилишни (жойларда сайёр қабуллар) ташкил этади, jisмоний ва юридик шахсларнинг шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вилоят ҳокимининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқишини таъминлайди, жойларда ташкил этилган “Халқ қабулхоналари”ни фаолият кўрсатишига ҳар томонлама кўмаклашади ва улар томонидан ташкил этиладиган қабулларда иштирок этади;

вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси тасдиғига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишилган ҳолда вилоят ҳокимининг ўринбосарларини, шаҳар ва туман ҳокимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади. Ушбу масалага доир қабул қилган қарорларини тегишли Кенгашларнинг тасдиғига киритади;

ҳоқимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

берилган ваколатлари доирасида вилоят ташкилотлари раҳбарларини тайинлайди ва амалдаги тартибга асосан вилоят Кенгаши тасдиғига киритади. Шунингдек, тегишли бошқарма, концерн, корхона ва ташкилотлар раҳбарларини сайлаш ва тайинлаш бўйича республика идораларига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда вилоятнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

ўзига берилган ваколатлари доирасида умумманфаатни ифодаловчи тадбирлар ўтказиш, қўшимча корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатади;

вилоятдаги маҳаллий давлат ҳокимияти ижроия органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини, Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Олий Мажлис палаталари қарорларини, Президент Фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҳамда вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларини бажариш бўйича фаолиятларини назорат қилади;

заруриятга қараб, аммо бир йилда камида 2 марта халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясини чақиради, сессияни олиб боради, кун тартибига киритиладиган масалаларни таклиф қилади, унинг ҳужжатларини имзо қўйиб тасдиқлайди;

олиб бораётган ишлари ва раҳбарлик қилаётган бошқарув органларининг фаолияти ҳақида йилда бир марта халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот беради;

вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар идоралари билан ҳамкорликда иш олиб боради;

янги технологиялар ва техникаларни жорий қилиш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, бунда янгиликларни ўзлаштиришга юқори даражадаги қобилиятли илмий ва интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш чораларини кўради;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан, уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегаралар яқинидаги муоммаларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширади;

ҳоқим режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкани бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Вилоят ҳоқими ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

2. Вилоят ҳоқими қўйидаги комиссия ва Кенгашларга раислик қилади:

вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят идоралараро комиссия;

одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси;

наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссияси;

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг вилоят ҳудудий комиссияси;

географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят ҳудудий комиссияси;

вилоят “Маънавият ва маърифат” Кенгаши;

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳомийлик кенгаши;

кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида қуйидаги вилоят ташкилотлари билан жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар ҳафвсизлигини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида мувофиқлаштириш ишларини олиб боради:

Давлат ҳафвсизлик хизмати вилоят бошқармаси;

вилоят прокуратураси;

вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти;

вилоят ички ишлар бошқармаси (Ёнғинга қарши кураш, йўл ҳаракати ҳафвсизлиги бошқармалари);

вилоят адлия бошқармаси;

жиноят ишлари бўйича вилоят суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди, вилоят иқтисодий суди, вилоят маъмурий суди;

вилоят давлат божхона бошқармаси;

вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси;

вилоят мудофаа ишлари бошқармаси;

Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси;

вилоят Мажбурий ижро бюроси;

**Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт
ва тадбиркорлик масалалари бўйича
биринчи ўринбосари**

**Файзуллаев Алишер
Турсунбаевич**

**1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик
масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг
асосий вазифалари ҳисобланади:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли Дастурларни ижросини таъминлаш;

вилоят, шаҳар ва туманларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, инвестиция, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, кўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожланиши, бунда туман, шаҳар ва вилоят кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилona жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификацилашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, инвестиция, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса пахта толасини ва меваса бзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни кафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туман, шаҳар ва вилоятнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қуватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажминини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажминини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг қишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига нақд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада илмий ва технологик салоҳиятни, инновацион технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланишни ташкил этиш;

чакана ва улгуржи савдони, хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, аҳолини истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шакллари жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилиб бориш;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритиш;

ҳудудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, вилоят ҳокимлигида “Очиқ эшиклар куни”ни ўтказилишини таъминлаш, шунингдек тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборотва тушунтириш ишларини ташкил этиш;

давлат органларида, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий ва молиявий экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидаги комиссияларни бошқаради:

тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш вилоят комиссия;

жазони ўташ жойларидан озод этилган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишида ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия;

ҳарбий хизматга мажбурларни захиралаштириш масалалари бўйича вилоят комиссия;

Қуролли кучларда хизмат қилишга чақирилувчи ёшгача бўлган ва чақирилув ёшидаги йигитларни тайёрлаш ҳолатини текшириш ва амалий ёрдам бериш комиссия;

тарифлар ва уй-жой коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар Дастури бажарилишини мониторингини олиб бориш вилоят комиссияси;

вилоят пул-кредит сиёсати комиссияси;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси;

вилоят молия бош бошқармаси;

вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси;

вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси;

бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси;

вилоят давлат солиқ бошқармаси;

вилоят статистика бошқармаси

вилоят Бандлик бош бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазирлигининг вилоятдаги вакили;

вилоят инвестициялар бошқармаси;

“Ўзбекинвест” компанияси, “Ўзагросуғурта” АЖ, “Кафолат” АЖ суғурта агентлиги вилоят бўлими ва бошқа суғурта компаниялари филиаллари;

Марказий банк вилоят бош бошқармаси ва барча тижорат банклари ҳудудий бўлимлари;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш бошқармаси;

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти вилоят бўлими;

“Ўзбектелеком” компанияси вилоят филиали;

товар хом-ашё биржаси;

вилоятдаги улгуржи шароб базалари;

вилоятдаги барча автодилерлар;

вилоятдаги улгуржи савдо базалари;

вилоят бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси;

вилоят “Ҳунарманд” уюшмаси;

Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси.

**Вилояти ҳокимининг саноатни
ривожлантириш, капитал
қурилиш, коммуникациялар ва
коммунал хўжалик масалалари
бўйича ўринбосари**

**Нурматов Баҳромжон
Сатимбаевич**

**1. Қуйндагилар вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш,
капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари
ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлаш;

вилоят ҳудудида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;

муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш;

кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолият кўрсатишига ҳар томонлама кўмаклашишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини сифатли ичимлик сув, оқава сув тармоғи билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

ўз йўналишига тааллуқли муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимга тақдим этиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидаги комиссияларни бошқаради:

ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этилишини назорат қилувчи ҳудудий идоралараро вилоят комиссияси;

тошқинга қарши фавқулодда комиссия;

ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича вилоят комиссияси;

маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича махсус комиссия;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси;

вилоят ҳокимлигининг “Ўздавзаҳира” фаолияти билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

вилоят Қурилиш бошқармаси;

вилоят Қурилиш назорати инспекцияси;

вилоят Давлат экспертиза бошқармаси;

“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси;

“Ўзтрансгаз” АК ҳудудий ташкилотлари;
вилоят электр тармоқлари корхонаси;
вилоят Уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш бошқармаси;
вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси;
“Синов ва сертификатлаштириш” давлат корхонаси;
Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг вилоят бўлими;
Аэропорт;
минтақавий темир йўл узелининг вилоят бўлими;
капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) маркази;
“Ўзавтойўл” АК ҳудудий ташкилоти;
“Ўздавнефтегазинспекция” нинг вилоят бўлими;
“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси вилоят бўлими;
Қора ва рангли металллар тайёрлов идоралари;
оғир саноат, машинасозлик ва электротехника саноати корхоналари;
агросаноат корхоналаридан ташқари саноат корхоналари;
қурилиш индустрияси корхоналари;
қурилиш-монтаж пудрат ташкилотлари;
лойиҳалаш муассасалари;
транспорт ташкилотлари;
коммунал хўжалик тизими корхоналари.

**Вилоят ҳокимининг
инвестициялар, инновациялар,
хусусийлаштирилган
корхоналарга кўмаклашиш,
эркин иқтисодий ва кичик саноат
зоналари ҳамда туризмни
ривожлантириш масалалари
бўйича ўринбосари**

**Юнусов Улугбек
Мамаджанович**

1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризм соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳаларда республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризм масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталарнинг ҳудудий тузилмалари ва бошқа вилоятдаги ташкилотларнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

шаҳар ва туман ҳокимларининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризм масалалари бўйича масъулиятини ошириш чораларини кўриб бориш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

инвестиция масалалари бўйича:

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва вилоят ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитларни яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва вилоят ҳокими билан келишган ҳолда белгиланган тартибда республика вазирлик ва идораларига киритиб бориш;

вилоятнинг инвестиция дастурларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар бўйича шакллантиришда қатнашиш, келишиш ва мониторингини амалга ошириш, чет эл инвестициялари, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашиш воситаларини жалб қилиш учун вилоятнинг инвестициявий таклифлари базасини юритиш ишларини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматлар молия институтлари, етакчи хорижий компаниялар ва банк тузилмалари билан инвестициявий ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида вилоятда амалга ошириладиган вазифалар ижросини таъминлаш;

тармоқ инвестиция дастурлари, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари асосида вилоятга чет эл, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этилиши бўйича белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;

инвестиция лойиҳалари бажарилишининг бориши устидан доимий назорат ўрнатиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг, шунингдек инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг таҳлилини ўтказиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга таклифлар киритиш асосида вилоятга жалб этилаётган чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда хорижий инвесторларга вилоятнинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ҳақида кенг ахборот бериш мақсадида ўтказиладиган халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларида вилоят номидан қатнашиш;

инновация масалаларни бўйича:

барча соҳаларда илмий ва технологик салоҳиятни, инновацион технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга, ижтимоий соҳани, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш тадбирлари ижросини таъминлаш;

вилоятнинг ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишида ноу-хауларни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтиришга йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳаларни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратиш;

хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш масалалари бўйича:

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва самарадорлигини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини ташкиллаштириш;

қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Идоралараро комиссия ишларини ташкил этиш;

хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили асосида ишламаётган, кам қувватли ва иқтисодий ночор корхоналарни, бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлар ва ер участкаларини аниқлашда солиқ, иқтисодиёт ва статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар, мавжуд илгари хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишламаётган ва кам самаралилиги омиллари ва сабабларини аниқлаш ишларини ташкиллаштириш;

ишламаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ер участкалари бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқишни ташкиллаштириш ва «йўл хариталари»ни амалга оширишни таъминлаш;

хусусийлаштирилган корхоналар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига руҳсат берувчи ҳужжатларни олишда, коммуникацияларга уланишда ва тижорат банклари кредитлари ажратилишида кўмаклашади;

хусусийлаштирилган корхоналар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик асослари ва бизнес-режа ишлаб чиқиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа мавзулар бўйича ўқишни ташкил этиш ишларини назорат қилади;

илгари хусусийлаштирилган бўш турган, самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ишлаб чиқариш майдонлари негизида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги жараёнлар таҳлили асосида уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради.

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари:

вилоятдаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг самарали фаолият юритишини ташкиллаштириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларини шакллантириш ҳамда улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш ишларини ташкиллаштириш;

тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш ва уларни кичик саноат зоналарида жойлаштириш бўйича танлов комиссияси функцияларини амалга ошириш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига ер майдонлари тақдим этиш тўғрисида қарорлар лойиҳалари ишлаб чиқиши ва вилоят ҳокимига киритилишини таъминлаш;

давлат мулки бўлган ишламаётган корхоналар ва бўш ётган мол-мулкларни эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда «нол» харид қиймати бўйича сотиш чораларини кўриш;

эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг бош режаларини, шунингдек, кичик саноат зоналарини ривожлантириш режаларини кўриб чиқиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмасини қуриш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, шунингдек инвестициялаш тўғрисида битимга киритилган мажбуриятларнинг, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчилари корхоналарининг бизнес-режалари параметрлари бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари – тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва корхоналарнинг фаолият юритишида юзага келадиган масалалар комплексини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудларининг чегараларини аниқлаштириш ва янги кичик саноат зоналари барпо этиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этиш.

туризмни ривожлантириш масалалари бўйича:

вилоятнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси амалга оширилишини таъминлаш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорлари маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, тарихий-маданий меросни тенг тарғиб қилишга йўналтирилган туризм соҳасида фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш, вилоятнинг туристик имижни жалб этувчанлигини сақлаш ва ривожлантириш, вилоятнинг туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туристик бозорларга жадал йўналтириш ишларини ташкиллаштириш;

туризм соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш, вилоятда туристик хизматларни жадал ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган замонавий туристик инфратузилмани ташкил этиш;

белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ туристик инфратузилма объектларининг санитария ҳолатини кўллаб-қувватлаш ва сақлаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича ободонлаштириш органлари ишларини мувофиқлаштириш;

вилоятда туристик фаолиятни ривожлантиришни таъминлаш, вилоят ҳудудида янги туристик йўналишлар ташкил этилишига кўмаклашиш, туризм объектлари ва туризм йўналишларининг ягона реестрларини шакллантириш;

энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, вилоят ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш вақтида туристик хизматларни ташкил этиш ва кўрсатишда туристларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, туризм объектларига ташрифни ташкил этиш, вилоятда меҳмон уйлари реестрини юритиш, меҳмон уйлари ва уларнинг хизматлари белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш юзасидан ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоятда туризмни ривожлантиришга, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолигини рағбатлантиришга тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, вилоятда туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Идоралараро комиссияси;

вилоятда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси;

ҳудудий инновацияларни ривожлантириш маркази;

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоятдаги бошқармаси;

Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари - Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи

**Курбанов Равшан
Хайдаралиевич**

1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари - Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунилари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш;

уруғчилик ва селекция ишларини ривожлантириш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

ўз йўналишига тааллуқли муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимга тақдим этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидаги комиссияларни бошқаради:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш вилоят комиссияси;

Вилоят туманларида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида таъмирлаш ва тиклаш ишлари якунлари ҳамда мелиорация объектларини қабул қилиб олувчи доимий комиссияси;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси;
иригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
иригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси;
қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари;
гидрогеология мелиоратив экспедицияси;
вилоят сув назорат инспекцияси;
вилоят “Давсувхўжаликназорат” инспекцияси;
дон маҳсулот корхоналари;
«Наманган Агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти;
“Ўзагролизинг” вилоят филиали;

“Давуруғназоратмаркази” вилоят бўлими;
вилоят чорвачилиқда наслчилик инспекцияси;
Давлат ўрмон хўжалиги вилоят бошқармаси;
вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси;
“Ўздаверлойиха” вилоят филиали;
вилоят “Пилла” ташкилоти;
вилоят “Ўза уруғчилиги” бирлашмаси
“Ўзагрокимёхимоя” АЖ ҳудудий ташкилоти;
Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти вилоят филиали;
вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши;
вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси;
вилоят ветеринария бошқармаси;
Республика “Сифат” маркази вилоят бўлими;
минтақавий пахта терминаллари;
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлими;
вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;
“Ўздавдонинспекцияси” вилоят бўлими;
вилоят “Давтехназорат” инспекцияси;
ёғ-мой корхоналари.

Вилоят ҳокимининг ёшлар - Маткаримов Пахридди
сиёсати, ижтимоий ривожлантириш Жураевич
ва маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари

1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олинган ёшлар, уюлмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касбга йўналтириш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

академик лицейлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни қамраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсимоти юзасидан асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш, битирувчиларни чуқур профессионал билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, “оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илғор кўникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва тақлифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўғарақларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюлмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюлмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш.

Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташҳис қўйишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш. Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усулларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, спортни оммавийлигини ошириш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, барча ҳудудлар, айниқса энг чекка қишлоқларида халқаро талабларга жавоб берадиган моддий-техник базага эга замонавий спорт иншоотларини барпо этиш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, бандлик, маиший хизматлар кўрсатиш, маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари, фуқаролик жамиятлари институтлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш.

Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одаат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

ҳудудда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан, ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлаш;

фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъерий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидаги комиссияларни бошқаради:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят Кенгаши;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш вилоят комиссияси;

оммавий тадбирларни ўтказиш комиссияси;

таносил касалликларига қарши курашиш вилоят идоралараро комиссияси;

фавқулодда эпидемияга қарши курашиш вилоят комиссияси;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйндаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятни мувофиқлаштириб боради:

Ёшлар Иттифоқи вилоят Кенгаши;
вилоят халқ таълими бошқармаси;
вилоят мактабгача таълим бошқармаси;
вилоят Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси;
вилоятдаги олий ўқув юртлири;
вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси;
вилоят Давлат санитария эпидемиология назорати маркази;
маданият бошқармаси
жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси;
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси;
“Маънавият ва маърифат” маркази вилоят бўлими
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими;
вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси;
вилоят ҳокимлиги ҳузурндаги Фуқаролар йиғинлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курси;
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими;
Давлат Тест маркази вилоят бўлими;
Давлат таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг вилоят бўлими;
вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси;
оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение);
“Ўзбеккино” миллий агентлиги вилоят бўлими;
Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими;
Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят бўлими;
“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси;
Архив бошқармаси;
“Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси;
“Ахсикент” археология мерос объектини ташкил этиш, қайта тиклаш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва унинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш махсус жамғармаси;
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Гулчиликни ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси;
вилоятдаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
вилоят театри.

**Вилоят ҳокимининг жамоат ва -
диний ташкилотлар билан алоқалар
бўйича ўринбосари**

**Маткаримов Хабибулла
Курбанович**

**1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар
билан алоқалар бўйича ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб бориш;

давлат органларининг вилоятда жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

маънавий ва миллий кадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувликни ва диний бағри кенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларининг минтақавий тузилмалари фаолиятига қўмаклашиш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

хамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидаги комиссияларни бошқаради:

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ҳайъати;
қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарининг вилоят (шаҳар) ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

Ўзбекистон Муслмонлар идораси вилоятдаги вакиллиги ва вилоятдаги бошқа диний ташкилотлар;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими;

Ўзбекистон Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вилоят координатори;

Республика “Олтин мерос” хайрия жамғармаси вилоят бўлими;

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вилоят бўлими;

Ўзбекистон Чернобилчилар ассоциацияси вилоят бўлими;

Ўзбекистон Республикаси “Кўзи ожизлар” жамияти вилоят бўлими;

Жангчи фахрийлар (байналминалчилар) бирлашмаси вилоят бўлими;

Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими;

“Меҳр-шавқат” жамғармаси;

Сиёсий партиялар вилоят бўлимлари;

Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят бўлими;

Миллий маданий марказлар;

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий маърифий алоқалар жамияти ҳудудий тузилмаси.

1. Қуйидагилар вилоят ҳокимининг ўринбосари - вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада, жамиятда ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш ишларининг ҳолатини мунтазам ўрганиш ва баҳолаш;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг ҳар хил шаклларини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилишини таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатида аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

оилада, маҳалла ва меҳнат жамоатларида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасидаги давлат сиёсатини юритиш, аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, давлат ва нодавлат ташкилотларининг шу масалаларга оид фаолиятини ва ҳаракатларини мувофиқлаштиради, корхона, ташкилот ва муассасаларда аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини яхшилашда иштирок этиш, шунингдек, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

маҳаллалар, ўқув муассасалари, меҳнат жамоаларида аёлларни юксак ватанпарварлик, миллий ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, диний экстремистик оқимларга қарши курашга оид тарғибот ишларини ташкил этади, аёллар ўртасида бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўриш;

хотин-қизларни маънавий, ижтимоий ва касбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилган тадбирларни уюштиради. Хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний камолотини таъминлашга, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий билимларини оширишга оид тадбирларни ташкил қилади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари ишини

такомиллаштиришда иштирок этади. Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, улар ўртасида оммавий спорт турларини ривожлантириш;

шаҳарлар, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари-хотин-қизлар кўмиталари раислари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

хотин-қизларни вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этиш;

вилоятдаги фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг фаолиятини ривожлантириш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштириш;

аёлларни ижтимоий муҳофаза этилиши, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таҳлил этиб бориш;

оилани мустаҳкамлаш ва жамиятдаги ижтимоий аҳамиятини юксалтириш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиниши чораларини кўриш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларни соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш ишларини мувофиқлаштириш;

оила ва болага, ёлғиз ва кўп болали оналарга, ногирон хотин-қизларга ёрдам бериш масаласи билан шуғулланувчи давлат, жамоат ва хайрия ташкилотлари ишини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари) фаолиятида аёллар ва хотин-қизлар манфаатларини амалга ошириш масалалари бўйича ҳамкорлигини таъминлаш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

ўз йўналишига тааллуқли муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимга тақдим этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2. Қуйидаги комиссиялари бошқаради:

Давлат ва жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи тиббий-ижтимоий патронаж комиссияси;

Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا тавсия этиш вилоят комиссияси;

Соғлом авлод, аёллар ва оиланинг тиббий маданият даражасини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи вилоят комиссияси;

Республика “Оила” илмий-амалий маркази вилоят бошқармаси иштирокчилари Кенгаши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

3. Қуйндаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

вилоят хотин-қизлар қўмитаси;

“Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Наманган вилояти бошқармаси;

“Болалар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш” ассоциацияси вилоят минтақавий филиали;

“Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси;

“Тадбиркор аёл” уюшмаси вилоят бўлими;

“Қизил ярим ой” жамияти;

III. Яқунловчи қондалар

1. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари котибиятларининг вазифалари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларда ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларни тақсимлашда белгиланади.

2. Мазкур функционал вазифалар тақсимотига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.